

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА АННА ВАЛЕРЬЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИ  
ТАРҚАЛГАНЛИГИНИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ  
ЎРГАНИШ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алиева Анна Валерьевна**

Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини  
ва уларни ривожланиш хавфини ўрганиш ..... 3

**Алиева Анна Валерьевна**

Изучение распространенности нарушений углеводного обмена и риска  
их развития в Узбекистане ..... 19

**Alieva Anna Valerjevna**

Study of prevalence of carbohydrates metabolism disorders and risk of their  
development in Uzbekistan ..... 35

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works ..... 38

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА АННА ВАЛЕРЬЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА УГЛЕВОД АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИ  
ТАРҚАЛГАНЛИГИНИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ  
ЎРГАНИШ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib190 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларида жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Шагазатова Барно Хабибуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Каюмов Улугбек Каримович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>ФДБТ Эндокринология илмий маркази</b> <b>(Москва, Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.А. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий қотиб вазифасини вақтинчалик бажарувчи, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.К. Нажмутдинова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қандли диабет (ҚД) иккинчи турининг тарқалишининг ошиб бориш тезлиги, ушбу касаллик дунё аҳолиси учун нафақат тиббий, балки ижтимоий хавф солаётганлиги шубҳасиздир. «... ҚД 2 тури ривожланиши хавфи юқори бўлган, диабет олди ҳолатлари–глюкозага турғунликнинг бузилиши (ГТБ) ва наҳорга гликемия бузилиши (НГБ) бўлган шахслар сони ошиб бормоқда...»<sup>1</sup>. «...2005 йилда ўтказилган эпидемиологик текширувлар ва ҳалқаро диабет кўмитасининг (ХДК) ҳисоботига кўра, 20-79 ёшдаги аҳоли орасида ҚД 2 тур тарқалганлиги 5,05%ни, ГТБнинг тарқалганлиги 5,69%ни ташкил қилади... »<sup>2</sup>. Қандли диабет олди ҳолатлари ва уларнинг хавф омиллари бўйича ҳаққоний эпидемиологик маълумотлар, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимининг самарали ишлашини тўғри режалаштириш учун зарур ва долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини ва уларни ривожланиш хавфини ўрганишнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, минтақаларнинг хусусиятларига қараб аҳоли орасида қандли диабет юзага келтирувчи эндоген ва экзоген омилларни аниқлаш ва мониторингини ташкиллаштиришда ёши, жинси ва тарқалиши инobatга олиш, аҳоли орасида ҚДнинг иккинчи турида ҳудудлар бўйича регистр ўтказиш натижасида назорат қилиш, кечки асоратини ташхислаш ва олдини олиш ҳамда даволаш профилактик ёрдам кўрсатиш сифати мониторингини ташкиллаштиришдан иборат. Наҳорги гликемия бузилиши, глюкозага турғунликни бузилиши ва қандли диабет иккинчи турининг тарқалганлигини, 35 ёшдан катта бўлган шахар ва қишлоқ аҳолиси орасида скрининг ўтказиш усули орқали аниқлаш мониторинги, турли миллат популяцияси учун антропометрик кўрсаткичларнинг меъёрий мезонларини аниқлаш: тана вазни индекси, бел айланаси, сон айланаси, бел ва сон айланаси нисбатини меъёрларни ишлаб чиқиш, турли популяциялар учун углеводлар алмашинувининг бузилиши ривожланишида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган хавф омилларини, кўп омиллик таҳлил мезонларини, углеводлар алмашинувининг бузилиши ривожланиш хавфи калкуляторини лойиҳалаштириш ва амалиёт шифокорлар ишига тадбиқ этиш, касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, инсонлар орасида қандли диабет асоратларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Ушбу вазифаларни мақсадли бажариш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини

<sup>1</sup>A call to Action on Diabetes, International Diabetes Federation, November, 2010

<sup>2</sup>International Diabetes Federation Atlas, 8th edition, 2017.

оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>3</sup> беморларга кўрсатилаётган эндокринологик тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва беморлар умрини узайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон ва 2014 йил 1 августдаги «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ПҚ–2221-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ томонидан тана вазни индекси (ТВИ), бел айланаси (БА) ва сон айланаси (СА) каби кўрсаткичларни ўлчаш усули, натижаларга баҳо бериш мезонлари ишлаб чиқилган. Шунга қарамай ҳар бир популяция учун алоҳида антропометрик меъёрларни ишлаб чиқиш зарурати алоҳида таъкидлаб ўтилган. Европеоид популяция учун ТВИнинг юқори меъёрий кўрсаткичи - 25 кг/м<sup>2</sup>, осиеликлар учун эса – 23 кг/м<sup>2</sup>. Шу каби тавсияларнинг асосли эканлигини Wen C.P. ва ҳамкасблари томонидан ўтказилган проспектив когорт тадқиқотида ёритиб берилган. Унда ТВИнинг осие кўрсаткичлари (23 кг/м<sup>2</sup>) ўрнига европа бўсага кўрсаткичларидан (25 кг/м<sup>2</sup>) фойдаланиш 8,6% ўлим кўрсаткичини ва юрак-кон томир тизими касалликларидан ўлими кўрсаткичининг 21,1%ни эътибордан четда қолишига олиб келган (Wen C.P., Cheng T.Y.D., Tsai S.P., Chan H.T., Hsu H.L., Hsu C.C., Eriksen M.P.). Ўзбекистонда қандли диабет бўйича эпидемиологик тадқиқотлар илк мартаба ўтган асрнинг 70-80 йилларида Тошкент ва Бухорода ўтказилган, аммо тўлиқ қамровли тадқиқот 80-90 йилларда «Қандли диабет эпидемиология» дастури доирасида ўтказилган. 1992-йилда яқунланган ушбу тадқиқот давомида аҳоли орасида ҚДни учраши Республиканинг 3 вилоятида (Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари) ўрганилган бўлиб, ҚД ва ГТБ сони 1,9% ва 6,1%ни ташкил қилган (Ибрагимов Т.К., 1992). 1995-йилда Тошкент шаҳрида, 1996-йилда Фарғона вилоятида ЖССТ томонидан танлов асосида эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилган ва уларга кўра Фарғона вилоятининг қишлоқ аҳолиси

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

орасида ҚД умумий сони 5,6%ни, умумий текширилувчилар орасида ГТБнинг сони эса 7,9%ни ташкил қилган.

Ўзбекистонда қандли диабет бўйича охириги эпидемиологик тадқиқотлар 2003йилда 3 шаҳарда (Тошкент, Қарши, Нукус) ўтказилган. ҚД иккинчи турининг ва ГТБнинг 3 шаҳар бўйича умумий сони 5,2% ва 12,2%ни ташкил қилган (Б.А.Султонов, 2008). Скрининг мобайнида олинган маълумотлар аввал ўтказилган эпидемиологик тадқиқотларнинг натижаларига мос келиб, Республикада қандли диабет кенг тарқалганлигини тасдиқлайди. Қандли диабетнинг иккинчи тури скрининги ҳар йили хавф гуруҳлари орасида ўтказилиши керак: 45 ёшдан катта шахслар; диабет билан касалланган яқин қариндошлари бўлган шахслар; ортиқча тана вазни ва семизлиги бўлган шахслар; артериал гипертензияси бўлган шахслар; 4,5кг ва ундан ортиқ ваздли фарзанд кўрган аёллар; диабет срининги ўз ичига наҳорга гликемияни аниқлаш ва унинг юқори кўрсаткичлари аниқланганда қўшимча текширув усуллари (глюкозага турғунлик синамаси, гликирланган гемоглобин миқдори)ни олади.

Метаболик синдромга бағишланган илмий ишлар кўп, чунки бу синдром ўз ичига олувчи барча факторлари юрак-қон томир касалликлари, шунингдек қандли диабет 2 тур келиб чиқишига (метаболик синдромда қандли диабет ривожланиш хавфи 5 мартаба юқори) олиб келади. Метаболик синдром ривожланишининг асосида тахминан абдоминал семизлик ва инсулинга турғунлик ётади. Антропометрик кўрсаткичлари тана тузилиши турларига баҳо берувчи ва ортиқча тана вазни ёки семизлик, ҳамда метаболик синдром мезонлари борлигини аниқлаб берувчи энг оддий ва информатив усул бўлибгина қолмасдан, юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет иккинчи турининг ривожланиши хавфини башорат қилувчи ва баҳоловчи муҳим воситадир. Адабиётларда болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг меъёрларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган, аммо бундай ишлар катталар орасида ҳамма популяцияларда ўтказилмаган. Ўзбек популяциясида болалар ва ўсмирлар учун тана вазни индекси ва бел айланасининг перцентил жадваллари ишлаб чиқилган тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, катталар орасида бундай тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот эндокринология маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ва АДСС 15.12.2 «Скрининг ва молекуляр-генетик текширувларга ва инсулин помпалар билан даволашга асосан қандли диабет ва унинг қон томир асоратларининг башоратлаш, ташхислаш ва даволашни мукамаллаштириш» (2015-2017) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** наҳорги гликемия ва глюкозага турғунликни бузилиши, ҳамда ва қандли диабетнинг иккинчи турининг ҳақиқий тарқалганлик даражасини ва уларнинг ривожланишида аҳамияти юқори

бўлган хавф омилларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

наҳорги гликемия бузилиши, глюкозага турғунликни бузилиши ва қандли диабет (ҚД) 2 турининг тарқалганлигини, Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида, 35 ёшдан катта бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида скрининг ўтказиш усули орқали аниқлаш;

ўзбек популяцияси учун антропометрик кўрсаткичларнинг меъёрий мезонларини аниқлаш: тана вазни индекси (ТВИ), бел айланаси (БА), сон айланаси (СА), БА/САга нисбатини аниқлаш;

ўзбек популяцияси учун углеводлар алмашинуви бузилиши ривожланишида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган хавф омилларини, кўп омиллик таҳлил ёрдамида аниқлаш;

ўзбек популяцияси учун углеводлар алмашинувининг бузилиши ривожланиш хавфи калкуляторини яратиш ва амалий шифокорлар фаолиятига тадбиқ этиш тизимини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Республикамизнинг Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи 35 ёшдан катта 2521 нафар шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида наҳорга ва углеводли юкламадан кейинги гликемияни аниқлаш учун капилляр қон, гликирланган гемоглобин НvА1с миқдорини аниқлаш учун веноз қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида эпидемиологик, анкеталаш, умумий клиник, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

эпидемиологик тадқиқотлар турли худудлар аҳолиси орасида наҳорги глюкоза ҳамда глюкозага турғунлик ҳолатининг бузилиши, қандли диабетнинг иккинчи турини тарқалиши исботланган;

ўзбек миллатига мансуб аҳоли орасида қандли диабет ва глюкозага турғунлик бузилишининг ривожланишга олиб келадиган антропометрик кўрсаткичларнинг қийматлари, яъни, тана вазн индекси, бел айланаси, сон айланаси, бел ва сон айланаси кўрсаткичларининг ўзгаришлари касалликнинг хавф омилларининг ривожланишга олиб келиши исботланган;

ўзбек миллатига мансуб антропометрик кўрсаткичларнинг, яъни, тана вазн индекси, бел айланаси, сон айланаси, бел ва сон айланаси кўрсаткичларининг референс қийматининг кўрсаткичлари эркак ва аёллар учун меъёрий даражаси исботланган;

ўзбек популяциясига оид углевод алмашинувининг бузилиши хавф омилларининг олдини олишга қаратилган тизим яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

қандли диабетнинг иккинчи тури, глюкозага туруғунликнинг бузилиши, наҳорги гликемия бузилиши бўйича эпидемиологик маълумотлар, диабетологик хизмат ишини режалаштиришга асос бўлиб хизмат қилган;

ўзбек популяцияси учун антропометрик кўрсаткичларнинг (ТВИ, БА, СА, БА/СА) аниқланган референс қийматлари углеводлар алмашинувининг



бузилиши ривожланиш хавфи калкуляторига киритилган;

ишлаб чиқилган углеводлар алмашинувининг бузилиши ривожланиш хавфи калкулятори умумий амалиёт шифокорлари ва эндокринологларнинг кундалик иши фаолиятида, қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари скрингини биринчи босқич сифатида фойдаланиш имконини берган;

касалликни эрта ташхислаш, касалликни аниқлашга кетувчи маблағ миқдорини камайишига олиб келган;

касалликни эрта башаротлаш диабет асоратларига сарфланувчи харажатларни қисқаришига олиб келиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги ҳажмда эканлиги, клиник-биокимёвий ва замонавий статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, углевод алмашинуви бузилишининг тарқалганлиги ва уларни ривожланиш хавфини олдини олиш бўйича олинган натижалар халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганига, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда диабет ва диабет олди ҳолатларининг тарқалганлигининг ҳаққоний кўрсаткичларига эга бўлиш, шифокор-эндокринологларнинг штат бирлигини асослашга ва эндокрин хизмат ишини режалаштиришга имкон берган. Диабет ва диабет олди ҳолатларининг асосий хавф омилларининг аҳамияти ва тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар касаллик олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажаришни режалаштириш имконини яратган. Бу билан ногиронлик ва эрта ўлим кўрсаткичларини камайиши имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қандли диабетнинг иккинчи турини аниқлаш учун ишлаб чиқилган калкулятор ва углеводлар алмашинувининг бузилишини фаол аниқлаш алгоритми асосида умумий амалиёт шифокорларининг вазифалари аниқлаштирилган бўлиб, қандли диабет 2 турининг бирламчи ва иккиламчи профилактикасини, углеводлар алмашинувининг бузилишига ўз вақтида ташхис қўйиш ва адекват даволаш тизимини белгилаш бўйича белгиланган ишларни самарадорлигини ошириши имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини ва уларни ривожланиш хавфини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбек миллатига мансуб шахсларда глюкозага турғунлик бузилиши ва қандли диабетнинг иккинчи турини ривожланиш хавфини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 майдаги 8н-д/111-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўзбек миллатига мансуб шахсларда қандли диабет касаллигининг иккинчи турини

ташхислаш, касалликнинг тарқалиш эпидемиологияси ва уларга тиббий кўрсатиш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини ва уларни ривожланиш хавфини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари эндокрин диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 8н-з/148–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши аҳолининг турли қатламлари орасида қандли диабетнинг иккинчи турида тиббий ёрдам кўрсатишнинг миллий стандарти асосида асоратларни олдини олиш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини ва уларни ривожланиш хавфини ўрганиш» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги ва Ўзбекистондаги қандли диабетнинг 2 тур ва диабет олди ҳолатлари муаммоси ва расмий статистика маълумотлари таҳлили

ўтказилган. Антропометрик маълумотларинг популяцион хусусиятлари ва уларнинг углеводлар алмашинувининг бузилиши ривожланиш хавфини аниқлашдиги аҳамияти муҳокама қилинган. Қандли диабет иккинчи тури скрининги стратегияси, ўлчамлари ва сўровномалар келтириб ўтилган. Тавсия этилган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишларини тарқалганлигини ва уларни ривожланиш хавфини ўрганиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари баён этилган деб номланган иккинчи бобида тадқиқот клиник материаллари ва тадқиқотнинг лаборатор ва статистика усуллари тўлиқ баён этилган. Тадқиқот мобайнида ҚД 2 ривожланиш хавфига баҳо беришни ўз ичига олган FinnishDiabetesRiskScore асосидаги сўровномани тўлдиришни амалга оширилган. Анкета-сўровномани тузишга асос сифатида ЖССТ қандли диабет 2 турининг скринингини амалга ошириш бўйича тавсияномалари, ҳамда яқин 10 йил ичида қандли диабет 2 турининг ривожланиш хавфини аниқловчи FinnishDiabetesRiskScore сўровномасидан фойдаланилди.

Антропометрик кўрсаткичларини -тана вазнини тарозида кгларда, бўй ростомер ёрдамида смларда, бел айланаси сантиметр ленталари ёрдамида киндик сатхида смларда, сон айланаси соннинг энг кенг қисмида смларда, ўлчаш амалга оширилди. Олинган натижалар асосида тана вазни индекси:  $TBI (кг/м^2) = \text{вазн} (кг) / \text{бўй}^2 (м^2)$  формула ёрдамида аниқланди.

Текширилувчилардаги жисмоний фаоллик сўраб-суриштириш орқали жисмоний фаолликнинг давомийлиги, интенсивлиги ва частотаси ҳисобга олинган ҳолда баҳоланди. Артериал қон босими Коротков усулида иккала қўлда 2 маротаба ўлчанди. Барча текширилувчилар капилляр қонининг плазмасида қанд миқдори iXell (Польша) глюкометрлари, веноз қон плазмасининг гликемик лаборатор референс кўрсаткичларига мос равишда калибровка қилинган тест япроқчалари ёрдамида аниқланди. Сўнг одам ва сичқон НВА1с га антитаналарнинг латекс комплексли иммунотурбидиметрик усул билан биокимёвий Human анализатори ёрдамида, академик Я.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази лабораториясида гликирланган гемоглобин миқдорини аниқлаш мақсадида веноз қон намуналари олинди. НВА1с ни аниқлашнинг ушбу усули NGSP/DCCT ва IFCC талабларига мос келади.

Наҳорги гликемиянинг 6,1 ммоль/л дан паст кўрсаткичларида глюкозага турғунлик синамаси умумқабул қилинган усул бўйича ўтказилди: текширилувчи 200 мл дистилланган сувда эритилган 75 гр куруқ глюкоза эритмасини 3–5 дақиқа давомида ичган. Сўнг 2 соат давомида тинч ҳолатда бўлган, қўшимча овқат қабул қилиш ман этилган, сув ичишга рухсат берилган. 2 соат ўтгач, капилляр қон плазмасида iXell глюкометрларида тест япроқчалари ёрдамида қайта қанд миқдори аниқланган.

Наҳорги гликемиянинг 6,1 ммоль/л дан юқори кўрсаткичлари ва ёндош ошқозон ичак касалликлари аниқланганда, углеводларга бой таом қабул

қилгандан сўнг қайта қанд миқдори аниқланган.

Диабет олди ҳолатлари ва қандли диабет ташхиси халқаро тавсияларга мувофиқ қўйилган.

Олинган натижаларга статистик ишлов бериш STATISTICA – 6,0 Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида ўтказилди.

Тарқалганлик бўйича маълумотлар ёш ва жинс гуруҳларидаги шахслар сонига нисбатан фоиз миқдорида кўрсатилган. Ўртача қийматлар ўртача статистик хатоларни аниқлаш билан Студент t усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган ва  $M \pm m$  сифатида берилган.

Антропометрик кўрсаткичлар референс қиймати ўзбек миллатига мансуб углеводлар алмашинуви бузилиши, артериал гипертензия ва семизлиги бўлмаган шахслар орасида, 5- ва 95-перцентил оралиғида аниқланди. Глюкозага турғунлик бузилиши (ГТБ) ва ҚД иккинчи тури ривожланишининг хавф омиллари интенсив кўрсаткичларни нормаллаштиришнинг Е.И.Шиган услуги ёрдамида аниқланди. Меъёрлаштирувчи катталиқ (М) скрининг ўтказиш давомида аниқланган, ўзбек миллати орасида ГТБ ва биринчи мартаба аниқланган ҚД иккинчи тури тарқалганлиги кўрсаткичи қабул қилинган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасининг уч ҳудудида углеводлар алмашинувининг бузилиши тарқалганлиги»** деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида Ўзбекистон Республикасининг уч ҳудудида ҚД иккинчи тури, ГТБ ва НГБ тарқалганлиги келтирилган. Иккинчи бўлимда эса углеводлар алмашинуви бузилиши тарқалганлигининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили натижалари келтирилган.

Республикамизнинг Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи 35 ёшдан катта 2521 нафар шахсларда текширувлар ўтказилди. Улардан 7,9 фоизи қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган, 74% ида эса касаллик скрининг ўтказиш давомида аниқланган. 35 ёшдан катта эркаклар орасида ҚД иккинчи турининг тарқалганлиги 8,7%, аёллар орасида эса 7,5% ни ташкил этди. ГТБ текширилувчиларнинг 4,4% ида (2,6% эркакларда ва 5,3% аёлларда), НГБ 1,4% ида аниқланди (0,5% эркакларда ва 1,8% аёлларда). Барча углеводлар алмашинуви бузилишининг тарқалганлиги ёш ошгани сайин кўпайиб бориши аниқланди, унга кўра 40% биринчи марта ҚД иккинчи тури бўлган шахслар, 36% ГТБли шахслар ва ГТБнинг 26% ида оилавий анамнезида ҚД бўлганлар белгиланди. Оилавий анамнезида семизлик аниқланганлар биринчи мартаба аниқланган ҚД иккинчи тури бўлган шахслар орасида 39%, ГТБли 34% ГТБ аниқланганларнинг 51% ини ташкил этди. Оилавий анамнезида артериал гипертензия (АГ) ва юрак-қон томир касалликлари бўлганларда ҚДнинг иккинчи тури катта миқдорда кузатилди. Барча текширилувчиларнинг 28,7% идагина меъерий тана вазни (ТВИ – 18–25 кг/м<sup>2</sup>) аниқланди. Текширилувчиларнинг 70,1% ида ортиқча тана вазни ёки семизлик қайд этилди. Углеводлар алмашинувининг бузилиши бўлмаган шахслар орасида ҳам меъерий тана вазни шахслар 31% ни ташкил этди. Биринчи мартаба аниқланган ҚД иккинчи тури бўлган аёллар ТВИнинг ўртача миқдори

33,0±0,7 кг/м<sup>2</sup> бўлиб, эркаклар орасида бу кўрсаткич 30,1±0,8 кг/м<sup>2</sup>, ГТБ бўлган аёлларда эса 31,6±0,7 кг/м<sup>2</sup>. Эркаклар орасида эса бу кўрсаткич 30,2±1,2 кг/м<sup>2</sup>. НГБ бўлган аёлларнинг ўртача тана вазни индекси 32,1±1,3 кг/м<sup>2</sup>, эркакларда – 28,8±2,8 кг/м<sup>2</sup>. Углеводлар алмашинувининг бузилиши аниқланмаган шахсларнинг ўртача ТВИ эркакларда 27,3±0,18 кг/м<sup>2</sup>, аёлларда – 28,4±0,15 кг/м<sup>2</sup>. Углеводлар алмашинуви бузилиши бўлмаганлар орасида семизлик фоизи юқори бўлишига қарамай, FindRisk сўровномасига кўра уларнинг умумий ўртача балли ҚД иккинчи тури, ГТБ ва НГБ аниқланган гуруҳларниқига нисбатан сезиларли даражада пастлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «Ўзбек популяцияси учун антропометрик кўрсаткичларнинг меъёрий мезонлари» деб номланган тўртинчи бобида ўзбек популяциясидаги эркаклар (1-жадвал) ва аёллар (2-жадвал) учун антропометрик кўрсаткичларнинг референс кўрсаткичларини ишлаб чиқиш йўллари баён этилган.

1-жадвал

35 ёшдан катта ўзбек популяциясидаги эркаклар учун антропометрик кўрсаткичларининг перцентил қийматлари

Перцентиль кўрсаткичлари	ТВИ кўрсаткичлари, кг/м <sup>2</sup>	БА кўрсаткичлари, см	СА кўрсаткичлари, см	БА/СА
2,5-перцентил	19,03	70,35	83,35	0,78
5-перцентил	19,75	72,70	84,00	0,79
10-перцентил	20,54	74,00	87,00	0,81
25-перцентил	21,84	79,00	90,00	0,86
50-медиана	23,15	86,00	95,00	0,90
75-перцентил	24,27	92,00	98,50	0,95
90-перцентил	24,69	96,00	101,00	0,99
95-перцентил	24,87	100,00	102,00	1,00
97,5-перцентил	24,91	100,00	104,65	1,02

Ўзбек популяциясидаги эркаклар учун ТВИнинг референс қиймати 19,75–24,87 кг/м<sup>2</sup> гачани ташкил қилади, 50-перцентил 23,15 кг/м<sup>2</sup> га мос келади. Ўзбек популяциясидаги аёллар учун ТВИнинг референс қиймати 19,4 дан 24,8 кг/м<sup>2</sup> гача, 50-перцентил 22,7 кг/м<sup>2</sup> га тўғри келади. Бу кўрсаткичлар ЖССТнинг европoid популяция учун келтирган мезонларига мос келади. БАнинг референс қийматлари эркакларда 72,7–100,0 см гача, аёлларда эса 65–90 см гача. Умумий келишилган бел айланасининг 80 см гача юқори меъёри углеводлар алмашинуви бузилиши бўлмаган, ТВИ меъёрида бўлган ўзбек аёллари орасида таҳлил қилинганда, 75-перцентилга тўғри келди. БАнинг 50-перцентили 76 см.

Эркакларда умумий келишилган бел айланасининг 92 см гача юқори меъёри 75-перцентилга мос келган. БАнинг 50-перцентили эркаклар орасида 86 см. БАнинг юқори меъёрий чегараси ўзбек популяциясидаги аёллар учун 90,0 см, эркаклар учун 100,0 см. Бу эса европа мезонларга тўғри келмайди.

Ўзбек популяциясидаги аёллар учун САнинг референс қиймати 84,0 см дан 107,0 см гача. БАнинг 100 см қиймати 75-перцентилга мос келади. САнинг 50-перцентили 96,0 см.

2-жадвал

35 ёшдан катта ўзбек популяциясидаги аёллар учун антропометрик кўрсаткичларнинг перцентил қийматлари

Перцентиль кўрсаткичлари	ТВИ кўрсаткичлари, кг/м <sup>2</sup>	БА кўрсаткичлари, см	СА кўрсаткичлари, см	БА/СА
2,5-перцентил	18,8	63,8	82,0	0,68
5-перцентил	19,4	65,0	84,0	0,69
10-перцентил	20,0	67,3	86,0	0,71
25-перцентил	21,2	70,3	91,0	0,75
50-медиана	22,7	76,0	96,0	0,80
75-перцентил	24,0	80,0	100,0	0,84
90-перцентил	24,6	87,7	104,0	0,88
95-перцентил	24,8	90,0	107,0	0,93
97,5-перцентил	24,9	93,0	110,0	0,95

Ўзбек популяциясидаги эркаклар учун СА меъёрий қиймати 84,0 см дан 102,0 см гача. Эркаклар учун САнинг 50-перцентили 95,0 см. БА/СА нисбати ўзбек популяциясидаги аёллар учун референс қиймати 0,69 дан 0,93 гача. 50-перцентили 0,8 га тўғри келган. Ўзбек популяциясидаги эркаклар учун референс қиймати 0,79 дан 1,0 гача. Эркаклар учун БА/СА нисбатининг 50-перцентили 0,9 ни ташкил қилади.

Метаболик синдром ва унинг таркибий қисмларини аниқлаш мақсадида ўтказилувчи эпидемиологик тадқиқотларнинг биринчи босқичида, ЖССТ тактикасига кўра, хавф гуруҳларини аниқлаш босқичида олинган кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертациянинг «Ўзбек популяцияси учун углеводлар алмашинуви бузилиши ривожланишининг хавф омиллари» деб номланган бешинчи бобида ўзбек популяцияда қандли диабетнинг иккинчи тури ва глюкозага турғунликнинг бузилиши ривожланиш хавф омилларининг интеграл таҳлили натижалари келтирилган (3-жадвал).

## Соғлом инсонларга нисбатан углеводлар алмашинуви бузилиш турига кўра биокимёвий ва антропометрик хавф омиллари

Кўрсаткичлари	ҚД 2 тур	ГТБ	НГБ	Соғломлар
Ёш	55,0±0,8	55,3±1,2	58,5±4,6	47,0±0,24
Наҳорги гликемия, ммоль/л	9,6±0,3	5,5±0,1	6,3±0,04	4,8±0,014
Углеводли юкламадан сўнг 2 соатдан кейинги гликемия, ммоль/л	13,7±0,5	9,6±0,1	6,8±0,31	5,6±0,02
НВА1с, %	9,4±0,24	6,2±0,1	5,7±0,2	4,9±0,015
Вазн, кг	85,2±1,5	80,1±1,6	83,7±3,4	75,2±0,3
ТВИ, кг/м <sup>2</sup>	32,2±0,5	31,3±0,6	31,7±1,2	28,0±0,1
Семизлик сони, %	63	55	50	32
БА айланаси	106,9±2,1* 101,0±1,38*	103,7±2,8* 95,6±1,48*	103,5±5,2 96,3±2,7*	96,3±0,48 88,7±0,37
СА, айланаси	106,7±1,7 113,8±1,3	105,9±2,8 110,2±1,4	110,3±4,7 113,0±2,5	101,2±0,3 105,8±0,3
БА/СА	1,0±0,009* 0,89±0,007*	0,98±0,016 0,87±0,007*	0,94±0,016 0,85±0,015	0,95±0,003 0,84±0,002
Ўртача АҚБ, мм.рт.ст.	135,2±2,0/ 86,8±1,0	125,6±1,7/ 82,4±1,0	129,6±3,4/ 83,3±2,0	119,7±0,4/ 78,3±0,3
АГ сони, %	60	50	47	28
Юрак-қон томир воқеалари сони, %	66%	58	50	31
Сабзавотларни етарлича қабул қилмаслик, %	12,2	14,3	42	15
Кам жисмоний фаоллик, %	31	28	17	16
Анамнезда гипергликемия, %	28	5,4	11	2,2
FINDRISK сўровномаси бўйича ўртача балл	12,8±0,4	11,4±0,4	11,0±0,8	8,0±0,09

Ўзбек миллати учун ГТБ ривожланишида эгк кўп аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари: 45 дан катта ёш, юрак-қон томир воқеаларини ўтказиш, абдоминал семириш, дислипидемиа, кам жисмоний фаоллик, назорат қилмайдиган артериал гипертензия, ҚДнинг оилавий анамнезда бўлиши, урбанизация, аёл жинси. Ўзбек миллати учун ҚД ривожланишида энг кўп аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари: 45 дан катта ёш, анамнезда гипергликемия, абдоминал семириш, назорат қилмайдиган артериал гипертензия, юрак-қон томир тизими нуқсонлари ва уларнинг асоратлари таҳлилини баҳолаш, ҚДнинг оилавий анамнезда бўлиши, савзавотларни етарлича қабул қилмаслик. Диабет олди ҳолатларидан фарқли равишда аёл

жинси ҚД иккинчи тури ривожланиш хавфини оширмайди. ҚД иккинчи тури ривожланишида бўлиши мумкин бўлган хавф омиллари тахлил қилинганда, ушбу тадқиқот давомида ҚДли беморларда қалқонсимон без касалликларининг юқори сонига эътибор қаратилди. Бу эса гормонал статусни аниқлаш билан чуқурроқ текширувлар ўтказиш ва бу феноменнинг рационал изоҳини излашга асос бўлди. Аммо бу муаммо ушбу илмий иш доирасига кирмайди.

ГТБ ва ҚД иккинчи тур нисбий ривожланиш хавфи кўрсаткичлари ҳисобидан кейин юқорида кўрсатиб ўтилган барча омилларнинг тахминий диапазони аниқланди. Бунинг учун ҳар бир омил учун минимал ва максимал кўрсаткичлар қўшилди ва олинган сонларни 3 қисмга – ГТБ ва ҚД иккинчи тури ривожланиш хавфининг мос даражасига бўлинди. Ўзбек миллатига мансуб шахсларда ГТБ хавфининг эҳтимоллиги турли бўлган 3 интервал ажратилди: паст хавф эркакларда – 28,6–50,4 балл, аёллар учун 29,6–50,0 балл; ўрта хавф эркаклар учун 50,4–72,1 балл, аёллар учун 50,0–70,3 балл, юқори хавф эркаклар учун 72,1–93,9 балл, аёллар учун 70,3–90,7 балл.

Шунингдек, ўзбек миллатига мансуб шахсларда ҚД иккинчи тури хавфининг эҳтимоллиги турли бўлган 3 интервал ажратилди: паст хавф эркаклар учун 33,2–62,1 балл, аёллар учун 33,5–63,6 балл, ўрта хавф эркаклар учун 62,1–91,0 балл, аёллар учун 63,6–93,8 балл, юқори хавф эркаклар учун 91,0–119,9 балл, аёллар учун 93,8–123,9 балл.

Ўтказилган тадқиқотда ўзбек миллатига мансуб биринчи маротаба аниқланган ҚДнинг 61,4% ида ва ОГТС ўтказиш орқали аниқланган ГТБ бўлганларнинг 54,3% ида FINDRISK сўровномаси бўйича умумий балл 12 ва ундан юқорини ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда FINDRISK сўровномасининг баллар йиғиндиси бўйича углеводлар алмашинуви бузилиши бўлган ва бўлмаган шахслар, %.

FINDRISK бўйича баллар йиғиндиси	меъёр	НГБ	ГТБ	ҚД 2 тур
4 ва ундан катта	80,8	91,7	93,8	97,6
9 ва ундан катта	44,2	70,8	72,8	86,6
12 ва ундан катта	19,9	45,8	54,3	61,4

Шунингдек, ОГТСнинг меъёрий натижалари бўлган шахсларнинг 19,9% идагина 12 ва ундан юқори балл тўпланган. Демак, бўсаға кўрсаткичлар 9 балл бўлганда сезувчанлик 87,9%, спецификлик 45,3%, 12 балл кўрсаткичларида эса сезувчанлик – 71,6%, спецификлик – 54,8%.

Бу натижалар ўзбек миллати учун ҚД иккинчи тури ривожланиш хавфини интеграл баҳолаш ҳамда ТВИ, БА ва СА каби антропометрик кўрсаткичларнинг янги меъёрий қийматларини ҳисобга олган ҳолда шахсий баҳолаш дастурини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Олинган маълумотлар асосида ўзбек миллатида углеводлар алмашинуви



бузилишининг ривожланиш хавфини баҳоловчи компьютер дастури ишлаб чиқилди.

Калькулятор яратишдан мақсад – ҚД иккинчи тури ва ГТБнинг ривожланиш хавфига баҳо беришнинг оддий, кўп вақт ва лаборатор текширувлар талаб этмайдиган усули билан умумий амалиёт шифокорларини таъминлаш ва шу орқали ногиронлик ва асоратлар олдини олиш мақсадида ўз вақтида бу ҳолатлар ривожланишининг олдини олиш ва/ёки аниқланган углеводлар алмашинуви бузилишини даволашдан иборат.

Ўзбек миллатига мансуб шахслар орасида ГТБ ва ҚД иккинчи тури ривожланиш хавфини аниқловчи калькулятор компьютер дастури бўлиб, маълумотлар киргизилганда ҚД иккинчи тури ва ГТБ ривожланишининг таҳлилий хавфи кўрсатилади, бу хавфни камайтириш бўйича тавсиялар беради. Компьютер дастури асоси сифатида ўзбек миллатига мансуб шахслар орасида СД иккинчи тури ва ГТБ ривожланишининг хавф омилларини интеграл баҳолаш бўйича ҳисоблардан фойдаланилган.

Дастур базасига ўзбек миллати учун ҚД иккинчи тури ва ГТБнинг барча асосий хавф омиллари, ўзбек аёллари ва эркаклар учун антропометрия кўрсаткичлари (ТВИ, БА, СА, БА/СА) референс қийматлари киритилган. Дастур очилганда компьютер мониторида хавф омиллари берилган сўровнома тасвири пайдо бўлади. Сўровномани тўлдириш ва хавф омилларини белгилашдан олдин бемор ҳақидаги маълумотларни киритиш керак: беморнинг фамилияси, исми, шарифи, ёши. Бемор жинси танланади. Кейин антропометрик ўлчамларнинг маълумотлари киритилади: бўй – см да, вазн – кг да, БА ва СА смда. Дастур мустақил равишда ТВИ ва БА/СА нисбатини ҳисоблайди.

«Тавсиялар» тугмаси босилганда экранга чоп этиш имконига эга бўлган, ҳар бир хавф тоифаси учун алоҳида тавсиялар матни чиқади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ўзбек популяцияси учун хавф калькулятори сезувчанлиги 78%, спецификлиги эса 83% ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбек популяцияси учун FINDRISK сўровномаси ва ишлаб чиқилган қандли диабетнинг иккинчи тури ривожланиш хавфи калькулятори сезувчанлиги ҳамда спецификлигининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	FINDRISK (12 балл)	Хавф калькулятори
Сезувчанлик	71,6	78
Спецификлик	54,8	83

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган хавф калькулятори қўлланганда спецификлиги юқори бўлганлиги учун паст хавф гуруҳига кирувчи шахслар текширилмайди, бу эса ўз навбатида углеводлар алмашинуви бузилиши бўйича кенг кўламли скрининг ўтказишда иқтисодий жиҳатдан самарадорликни таъминлайди.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистонда углевод алмашинуви бузилишлари тарқалганлиги ва уларнинг ривожланиш хавфини ўрганиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг учта минтақасида қандли диабет тарқалган ва ушбу ҳолат 35 ёшдан катта шахслар орасида 7,9% ни ташкил этади. Уларнинг 74% ида касаллик скрининг ўтказиш давомида аниқланди. 35 ёшдан катта эркаклар орасида қандли диабет иккинчи турининг тарқалганлиги 8,7%, аёлларда – 7,5%. Глюкозага турғунлигининг бузилиши текширилувчиларнинг 4,4% ида (2,6% эркакларда ва 5,3% аёлларда), наҳорги глюкозанинг бузилиши 1,4% (0,5% эркакларда ва 1,8% аёлларда) эканлиги қайд этилган.

2. Аниқланган барча турдаги углеводлар алмашинуви бузилишининг тарқалганлиги ёш, ҳудуд ҳамда урбанизация даражасига аниқ боғлиқлиги белгиланди.

3. Ўзбек популяциясидаги аёллар учун тана вазни индексининг референс қиймати 19,4–24,8 кг/м<sup>2</sup> гача, эркаклар учун ТВИнинг референс қиймати 19,75–24,87 кг/м<sup>2</sup> гача. Бу кўрсаткичлар ЖССТнинг европа популяция учун келтирган мезонларига тўғри келади. БАнинг референс қийматлари аёлларда 65–90 см, эркакларда 72,7–100,0 см гача, бу эса европа миллатлари мезонларидан баландлигини кўрсатди.

4. Ўзбек миллатидаги аёллар учун наҳорги глюкоза бузилиши ривожланишида энг кўп аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари қуйидагилар: ортиқча тана вазни, мияда ўткир қон айланишининг бузилиши, 45дан катта ёш, семизликнинг оилавий анамнезда бўлиши, назорат қилинмайдиган артериал гипертензия, сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик.

5. Ўзбек миллати учун глюкозага турғунликнинг бузилиши ривожланишида энг кўп аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари қуйидагилар: 45 дан катта ёш, мияда ўткир қон айланишининг бузилиши, абдоминал семириш, дислипидемия, жисмоний фаолликнинг пасайиши, назорат қилинмайдиган артериал гипертензия, оилавий анамнезда қандли диабетнинг бўлиши, урбанизация, аёл жинси.

6. Ўзбек миллати учун қандли диабет ривожланишида энг кўп аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари қуйидагилар: 45 дан катта ёш, анамнезда гипергликемия, абдоминал семириш, назорат қилинмайдиган артериал гипертензия, юрак-қон томир тизими касалликлари асоратлари, оилавий анамнезда қандли диабетнинг бўлиши, сабзавотларни етарлича қабул қилмаслик. Диабет олди ҳолатларидан фарқли равишда аёл жинси қандли диабетнинг иккинчи тури ривожланиш хавфини оширмайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ  
ИМЕНИ АКАДЕМИКА Я.Х.ТУРАКУЛОВА**

**АЛИЕВА АННА ВАЛЕРЬЕВНА**

**ИЗУЧЕНИЕ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ НАРУШЕНИЙ  
УГЛЕВОДНОГО ОБМЕНА И РИСКА ИХ РАЗВИТИЯ  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Tib190.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии им. академика Я.Х.Туракулова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шагазатова Барно Хабибуллаевна</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Каюмов Улугбек Каримович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>ФГБУ Эндокринологический научный центр</b> <b>(Москва, Российская Федерация)</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871)150-78-14, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**А.Г. Гадаев**  
председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.м.н.,  
профессор

**Г.А. Исмаилова**  
временно исполняющий обязанности  
учёного секретаря Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.м.н.,  
профессор

**Д.К.Нажмутдинова**  
заместитель председателя научного  
семинара при Научном совете по  
присуждению учёных степеней, д.м.н.,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Темпы роста распространенности сахарного диабета (СД) 2-го типа не оставляют сомнений в том, что данное заболевание действительно представляет не только медицинскую, но и социальную угрозу населению всего мира. Кроме того, растет число лиц с факторами риска развития СД 2-го типа, с предиабетом – нарушением толерантности к глюкозе (НТГ) и нарушенной гликемией натощак (НГН)<sup>1</sup>. По данным проведенных в 2005 году эпидемиологических исследований и по подсчетам Международной Федерации Диабета (МФД), в 2015 году распространенность СД 2-го типа и НТГ среди населения республики в возрасте 20–79 лет составила 5,05% и 5,69% соответственно<sup>2</sup>. Наличие реальных эпидемиологических данных по распространенности СД, предиабета, их факторов риска крайне необходимо для правильного планирования эффективной работы системы здравоохранения, цель которой, в конечном счете, сводится к улучшению качества жизни населения.

По всему миру проводится ряд исследований, направленных на изучение распространенности нарушений углеводного обмена и риска их развития, как например, выявление факторов риска развития сахарного диабета в зависимости от региональных особенностей; организация мониторинга с учетом возрастных и половых особенностей; проведение и контроль за ведением регистра сахарного диабета по регионам; организация мониторинга качества оказания лечебно-профилактической помощи при сахарном диабете. Большое значение имеют изучение распространенности нарушения гликемии натощак, нарушения толерантности к глюкозе и сахарного диабета 2-го типа, мониторинг выявления данных заболеваний путем скрининга среди городского и сельского населения в возрасте 35 лет и старше, определение референсных значений антропометрических показателей – индекса массы тела, окружности талии и окружности бедер – для разных популяций, выявление наиболее значимых для данной популяции факторов риска развития нарушений углеводного обмена и их многофакторный анализ, создание и внедрение в практику врачей калькулятора риска развития нарушений углеводного обмена, а также улучшение механизма профилактических мероприятий.

В республике развитие медицинской сферы, оснащение современным медицинским оборудованием, профилактика различных соматических заболеваний, сокращение количества осложнений сахарного диабета среди работоспособного населения являются актуальными задачами медицины. Благодаря целенаправленному осуществлению изложенных задач, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017–2021 годы разработан комплекс мер, направленных: на «... повышение удобства и качества оказания

---

<sup>1</sup>A call to Action on Diabetes, International Diabetes Federation, November, 2010 [www.idf.org](http://www.idf.org)

<sup>2</sup>International Diabetes Federation Atlas, 8th edition, 2017.

специализированной медицинской помощи, дальнейшее реформирование его первичного звена, системы скорой и неотложной медицинской помощи, защиту материнства и детства ...»<sup>3</sup>, улучшение оказания больным эндокринологической медицинской помощи. Использование инновационных технологий при сахарном диабете 2-го типа в диагностике заболевания и оказании качественной медицинской помощи способствует разработке современных методов диагностики и лечения, продлению жизни больных.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан» от 20 июня 2017 года, № ПП-2221 «О Государственной программе по охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на 2014–2018 годы» от 1 августа 2014 года, и в других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

